

Муаллиф ҳақида маълумот



Мустафоқулова Хулқар Аҳмедовна - 1976 йилда мактабни «Олтин медаль» билан тамомлаб, шу йили Самарқанд Давлат Университетининг «Роман-Герман филологияси» факультетининг инглиз тили бўлимига ўқишга қабул қилинган. Педагогик фаолиятини инглиз тили ўқитувчиси сифатида 1981 йилда бошлаган. Ҳозирда Жиззах Политехника институти, «Ўзбек ва чет тиллари» кафедрасида катта ўқитувчи.

- 1996 йилда туманда ўтказилган «Йил ўқитувчиси» кўрик танлови ғолиби.
- 1997 йилда ўтказилган «Ижодкор ўқитувчи» кўрик танлови ғолиби.
- 1998 йилда Республика Халқ Таълими вазирлиги ҳамда «Британия Кенгаши» - «British Council» томонидан ўтказилган «Миллий дарслик ёзувчилари мусобақаси» ғолиби.
- 1999-2000-2001, 2004 йилларда АҚШнинг Таълим ва тил ўргатиш бўйича Америка Ҳамкорлик ташкилотининг «Ўқитишдаги аълочилик» дастурининг 4 марта ғолиби.
- 1999 – 2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган «Устоз» Республика жамғармаси гранти совриндори.
- 2000 йилнинг январь-февраль ойларида Канадалик ҳамкорлар билан уюштирилган Халқаро анжуманда иштирок этиб ғолиб бўлди ва Канада давлатининг Нова Скотия минтақавий Коллежида тажриба алмашиш дастурида иштирок этди. 2000 йил, июнь-июль.
- 2004 йилнинг сентябрь ойида ўтказилган Талабалар ва олимлар алмашинуви доирасидаги «Жамоа алоқалари ва таълим» дастурида иштирок этиб, 4-босқичдан ҳам муваффақиятли ўтиб, ғолиб деб топилди.
- 2005 йилнинг январь ойида АҚШнинг Миннесота Университетида ташкил этилган Халқаро анжуманда иштирок этди.
- 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги томонидан кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳамда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда эришган муваффақиятлари учун «Халқ Таълими Аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.
- 2004 йилнинг 28 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан «Шухрат» медали билан тақдирланган.

Яхши ўқитувчи формуласи

Мен кўпинча канадалик файласуф Бенжамин Споукнинг қуйидаги сўзларини такрорлайман.

«Ўзингизга ишонинг, сиз ўзингиз ўйлаганингиздан ҳам кўра буюкроқ ишлар қилишга қодирсиз». Ростдан ҳам инсон доимо орзу билан яшайди. Агар сиз орзу қилиб ўтираверсангиз, у орзулигича қолиб кетаверади. Орзуга етиш учун мақсадга интилоқ зарур. Демак, орзу ва мақсаднинг орасида битта чизик пайдо бўлди. Унинг номи ҳаракат.

Улуғ мутафаккир Аҳмад Дониш шундай дейди:

«Мақсадга етиш учун тинмай ҳаракат қилиш лозим. Зотан, кўп тақиллатилган эшик очилмасдан қолмайди».

Аниқ фанларда формула деган тушунча бор. Шунча йиллар давомида мен «Яхши ўқитувчи формуласи» қандай бўлади деб, шундай хулосага келдим.

«Яхши ўқитувчи:

- ўқувчиларни севиши
- ўз касбини яхши кўриши
- етук билимга эга бўлиши
- комил инсон бўлиши
- замонавий бўлмоғи лозим.деб ўйлайман.

Чунки, гулларга куёш нурлари қанчалик зарур бўлса, инсонга билим ҳам шунчалик зарурдир. Ахир юксак билим ва салоҳиятсиз қандай қилиб ёрқин келажакни қуриб бўлади.

Ўқитувчилар орасида «Ноқобил ўқитувчи тўғри йўлни кўрсатади холос, ҳақиқий ўқитувчи эса, қаерда тўғри йўл борлигини кўрсатиб қолмасдан, ўша ерга қандай боришни, бу йўлдаги қийинчиликларни қандай енгиб ўтишни ҳам кўрсатади» деган гаплар юради.

Демак яхши ўқитувчи бўлиш ҳам осон иш эмас экан.

Ҳадиси-шарифда шундай ҳикматли ибора бор:

Илм – саҳрода дўст,

Ҳаёт йўлларида мададкор,

Бахтиёр дамларда раҳбар,

Одамлар орасида зебу-зийнат,

Душманларга қарши қуролдир.

Мен иш фаолиятим давомида донишмандлар томонидан айтилган манна шу сўзларга амал қилдим ва ҳаётимнинг шиори қилиб олдим. Яхши ўқитувчи бўлишга ҳаракат қилдим.

Менимча инсон яхши ўқитувчи бўлиши учун ўз ҳаётини билим билан беэмоғи ва бойитмоғи даркор. Мен чет тили фани ўқитувчисиман.

Кўплаб халқаро анжуманларда, тақдирот маросимларида бўлган чоғимда шу сўзни кўп такрорлайман:

«Тил бу кўприк, у билан нариги қирғоққа ўтиб, муҳташам қасрлар қуриш мумкин».

Мен ўйлайманки, биз таълим – тарбия бераётган ўқувчиларимиз, талабаларимиз биз берган билимларни кўприк қилиб, нариги қирғоқда муҳташам қасрлар бунёд этадилар. Улар қурган муҳташам қаср жаҳонга юз тутаётган азиз ватанимиз ҳуснига-ҳусн қўшажак.